

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

АНОРҚУЛОВ САНЖАР ИСКАНДАРОВИЧ

**НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТОПОНИМЛАРНИНГ
ЛИНГВОКОГНИТИВ АСПЕКТИ**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик, таржимашунослик

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Аноркулов Санжар Искандарович

Немис ва ўзбек тилларидаги топонимларнинг лингвокогнитив аспекти3

Аноркулов Санжар Искандарович

Лингвокогнитивный аспект топонимов в немецких и узбекских языках29

Anorqulov Sanjar Iskandarovich

Linguo-cognitive aspect of toponyms in German and Uzbek languages53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works57

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

АНОРҚУЛОВ САНЖАР ИСКАНДАРОВИЧ

**НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТОПОНИМЛАРНИНГ
ЛИНГВОКОГНИТИВ АСПЕКТИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик,
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Fil1362 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdhti.uz ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Галиева Маргарита Рафаэловна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Насруллаева Нафиса Зафаровна
филология фанлари доктори (DSc), профессор

Холиёров Лутфулло Ташқуватович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «8» Октябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdhti.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (60512 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2021 йил «24» сентябрь кuni тарқатилди.
(2021 йил «24» сентябрь даги № _____ рақамли реестр баённомаси).



И.М. Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Ш.С. Ашуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

Ш.С. Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон замонавий тилшунослигида мулоқот шароитида ахборот етказиш имкониятига эга бўлган нутқий тузилмаларнинг тузилиши ва қўлланишига доир масалалар тадқиқига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Тил ва нутқ бирликларининг коммуникатив фаоллашуви билан боғлиқ ўта мураккаб ва зиддиятли масалаларни ҳал қилишда янги ёндашувларни излаб топиш ҳамда ишлаб чиқиш жаҳон тилшунослигининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу аснода, турли фан соҳаларида эришилган илғор ғоялар ва улар негизида шаклланган инновацион таҳлил усуллари илмий изланишлар жараёнида оқилона татбиқ этиш прагматингвистика, когнитив тилшунослик, функционал грамматика, психоллингвистика каби замонавий йўналишларда кенг қўламда ёйилмоқда. Айни шу ҳолатга кўра турли тизимларга мансуб тиллар топонимикасининг лингвокогнитив хусусиятларини тадқиқ қилиш алоҳида аҳамият касб этади, зотан, топонимлар ўз семантикасида когнитив ва маданий аҳамиятли ахборотларнинг бутун блокларини акс эттириб, муайян лингвомаданият билимлари мажмуасини ўзида мужассамлаштиради.

Ҳозирги замон дунё тилшунослигида амалга оширилаётган кўплаб замонавий тадқиқотлар тил бирликларининг лингвокогнитив хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган. Лексиканинг топонимик қатлами барча тилларда мавжуд бўлиб, мураккаб, кўп аспектли ва кўпқиррали лисоний ҳодисасини ифодалайди. Уни ўрганиш турли лингвомаданиятлар намоёндалари томонидан атрофдаги оламни қабул қилиш, концептуаллаштириш ва категориялашдаги универсал ва миллий-маданий ўзига хосликларни муайян даражада белгилашга ёрдам беради. Қайд қилиш жоизки, катта аҳамиятга эгалигига қарамасдан, топонимиканинг лингвокогнитив аспекти кам ўрганилган, шунинг учун мазкур тадқиқотнинг долзарблиги унда топонимларни когнитив тилшунослик ва ундан келиб чиққан лингвокультурология нуқтаи назаридан қиёсий планда ўрганишга уриниш амалга оширилгани билан изоҳланади.

Мамлакатимизда юртбошимиз раҳбарлигида Учинчи Ренессанснинг пойдевори қўйилаётган бир пайтда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда ижтимоий ҳаётда юз бераётган туб ўзгаришлар илм-фаннинг барча йўналишларида бўлганидек, тилшунослик соҳасида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Зеро, “фан ва маърифат нафақат ёшларнинг, балки бутун жамиятимизнинг ҳам интеллектуал ва маънавий салоҳиятини оширишда биринчи даражали аҳамиятга эга”¹. Ўзбек тилшунослигида турли тил бирликларининг лингвокогнитив хусусиятлари муаммоси қатор тадқиқотчиларнинг диққат марказидадир. Бу ўринда қиёсий тадқиқотлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг аҳамияти тил бирликларини, хусусан, тил ва ҳар бир этнос маданиятининг ажралмас қисми бўлган топонимларни қиёсий ўрганиш, атрофдаги оламни қабул қилиш, тушуниш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаати. 28.01.2020 й. Интернет ҳавола: <https://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020>

концептуаллаштириш ва категориялашнинг универсал ва дифференциал белгиларини аниқлаш ва юзага чиқариш зарурати билан тақозо этилади. Бундан ташқари, тил бирликлари, хусусан, топонимларнинг лингвокогнитив хусусиятларини қиёсий ўрганиш хорижий тилларни ўрганувчиларнинг коммуникатив ва социомаданий компетенцияларини оширишга, юқори малакали миллий кадрларни тайёрлашга замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йиллардаги бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ҳамда уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлардаги фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг: 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лисоний бирликлар антропоцентрик ва фанлараро ёндашув жиҳатдан бир қатор олимларнинг ишларида тадқиқ этилган, шу жумладан, Дж. Лакофф, Н.Ф. Алефиренко, Н. Арутюнова, Д. Ашурова, Н. Болдырев, М. Галиева, Н. Джусупов, Е. Кубрякова, Н. Махмудов, А. Маматов, В. Маслова, Ш. Сафаров, Д. Худойберганова, А. Щербак² ва бошқалар.

² Fillmore C.J. Frame semantics//Linguistics in the morning calm: Selected papers from the SICOL, 1981. – Seoul: 1982. – P. 111-137; Lakoff G., Johnson M. Metaphors We Live By. – Chicago: University of Chicago Press, 1980. – 242 p.; Алефиренко Н.Ф. Современные проблемы о языке. –М.: Флинта: Наука, 2005. – 416 с.; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Языки русской культуры, 1998. – 896 с.; Ашурова Д.У. Теория текста с позиций когнитивно-дискурсивной парадигмы//Бюллетень науки и практики. – Нижневартовск. –Т.5. –№2. 2019. –С.311-318.; Болдырев Н.Н. Концептуальное пространство когнитивной лингвистики//Вопросы когнитивной лингвистики. – Тамбов: 2004. –№1. –С.18-37; Галиева М.Р. Теолингвистика: истоки, направление, перспективы. –Т: VneshInvestProm, 2018. –258 с.; Н.М. Джусупов. Когнитивно-стилистические основы выдвижения в англоязычном художественном тексте. Дис. ... док. филол. наук. –Ташкент, 2020. – 330 с.; Кубрякова Е.С. Язык и знание. На пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. РАН.Ин-т языкознания. — М.: Языки славянской культуры, 2004. -560 с.; Махмудов Н.М. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. -№5. – Б.3-16; Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада?//Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. –Андижон, 2012. – Б.212-220.; Маслова В. А. Когнитивная лингвистика. – Минск: Тетра Системс, 2004. – 256 с.; Сафаров Ш. С.

Ономастика, хусусан, топонимиканинг умумий ва хусусий муаммоларига бағишланган тадқиқотлар А. Бах, Х. Вальтер, Т. Витковский, Э. Шварц, Р. Фишер, Э. Эйхлер, В.А. Жучкевич, А. Камалов, С. Қораев, Э.Бегматов, Э.Мурзаев, Т.Нафасов, В.Никонов, Н.Подольская, Г.Томахин, А.Суперанскаяларнинг³ ишларида амалга оширилган. Шу ўринда, А.Щербакнинг⁴ худудий ономастиканинг когнитив асослари ва ономастик билимларнинг турлари кўриб чиқилган тадқиқоти алоҳида аҳамиятга эга. Топонимика бўйича аксарият тадқиқотлар (Г.Кауфман, Е.Флейшер, Ҳ.Хасанов, Э.Бегматов, С.Қораев, Т.Нафасов, З.Дўсимов, С.Найимов, Т.Эрназаров)⁵ ишлари асосан бир тил доирасида бажарилган бўлиб, улар топонимларнинг келиб чиқиши ҳамда структур, семантик, грамматик, сўз ясаиш, услубий ўзига хосликлари муаммоларини ўрганишга бағишланган. Қайд қилиш жоизки, топонимларни турли тиллар материали асосида қиёсий ўрганишга бағишланган тадқиқотлар бир тил доирасида амалга оширилган ишларга нисбатан анча кам. Масалан, Р.Хисаметдинова томонидан топонимлар ва уларнинг дериватлари немис ва рус тиллари доирасида кўриб чиқилган, Л.Кунакхужинанинг тадқиқотида немис ва бошқирд топонимларининг структур-семантик ўзига хосликлари ўрганилган, Л.Давлеткулов, В.Легенкина, Т.Передреева, Е.Сизовалар⁶ томонидан

Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор нашриёти, 2006. -92 б.; Худойберганава Д.С. Антропоцентрическое толкование художественных текстов в узбекском языке: Автореф. дис... д-ра филол. наук. – Тошкент, 2015. – 80 с.; Щербак А.С. Ономастический знак-символ в когнитивном аспекте/вестник Тамбовского университета. Сер. Гуманитарные науки. – Тамбов, 2007. – Вып.7 (51). – С.7-11.

³ Бах А. История немецкого языка. – М.: Иностранная литература, 1967. -343с.; Walther H. Namenkunde und geschichtliche Landeskunde. Hrg. von Ernst Eichler, Karlheinz Hengst und Jürgen Udolph. – Leipzig: Leipziger Universitätsverlag, 2004. -444 S.; Witkowski T. Die Ortsnamen des Kreises Greifswald. - Weimar: Bohlaus Nachf., 1978. - 279 S.; Schwarz E. Die Ortsnamen der Sudetenländer als Geschichtsquelle. –München, 1962. –408 S.; Fischer R. und andere. Namen der deutschen Städte. -Berlin: Akademie -Verlag, 1963. -177 S.; Eichler E. Die Ortsnamen des Kreises Leipzig. - Halle (Saale): Nienmeyer, 1960. - 173 S.; Жучкевич В.А. Общая топонимика. - Минск: Вышэйшая школа, 1968. — 432 с.; Камалов А. А. Башкирская топонимия. – Уфа: «Китап», 1994. – 304 с.; Кораев С. Географик номлар маъноси. –Т., Узбекистан, 1978. - 204 б.; Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. –Н.,2006. -103 б.; Мурзаев Э. М. Очерки топонимики. М. : Мысль, 1974.- 382 с.; Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. –Т., Ўқитувчи, 1988. -288 б.; Никонов В. А. Введение в топонимику. –М.: Наука, 1965.- 172 с.; Подольская Н. В. Словарь русской ономастической терминологии / Отв. ред. А. В. Суперанская. — Изд. 2-е, перераб. и доп. — М. : Наука, 1988. — 192 с.; Томахин Г.В. Топонимы как реалии языка и культуры // Вопросы языкознания, 1984. №4, с. 84-90.; Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – М.: Наука, 1973. – 366 с.

⁴ Щербак А.С. Когнитивные основы региональной ономастики. – Тамбов, Издательский дом ТГУ им. Г.Р. Державина, 2012. – 319 с.

⁵ Kaufmann H. Grundfragen der Namenkunde. Bd. 1 - Heidelberg: Winter, 1952,- 109 S.; Fleischer W. Wortbildung der deutschen Gegenwartssprache. –Leipzig. - 1974.-361 S.; Ҳасанов Х. Географик номлар сири. –Т., Ўзбекистон, 1985. -120 б.; Бегматов Э. Жой номлари – маънавият кўзгуси. – Т., Маънавият, 1998. -64 б.; Кораев С. Географик номлар маъноси. –Т., Узбекистан, 1978. -204 б.; Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. –Т., Ўқитувчи, 1988. -288 б.; Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. –Т., Ўқитувчи, 1977. -174 б.; Найимов С. Н. Ойконимы Бухарской области. дис. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 1984. - 240 с.; Эрназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимлари: луғавий ва этимологик тадқиқи йўллари. Филол. фанлари докторлик дисс-си, –Тошкент, 2006. – 516 б.

⁶ Хисаметдинова Р.Ф. Топонимы и их дериваты в языковой системе: Автореф. дис. канд.филол. наук. –Уфа, 2000. - 21 с.; Кунакхужина Л. М. Топонимы в языковой системе: на материале немецкого и башкирского языков: Дис... канд. филолог. наук. –Уфа, 2003. -168 с.; Давлеткулова Л.Н. Топонимы в лингвокультурологическом аспекте (на материале географических названий графства Оксфордшир и Челябинской области). Диссер. канд. филол. наук. –Челябинск, 2014. -220 с.; Передреева Т.В. Лингвокультурологический потенциал немецких топонимов. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук: –Уфа. 2018. – 21 с.; Легенкина В.И. Топонимы в межъязыковом пространстве: на материале русского и английского

топонимларнинг инглиз, рус, немис, француз тилларидаги лингвомаданий таҳлили амалга оширилган. Биздаги маълумотларга кўра, немис ва ўзбек тиллари материалидаги топонимиканинг лингвокогнитив аспектларини ўрганишга бағишланган қиёсий тадқиқотлар мавжуд эмас.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ “Замонавий тилшуносликнинг янги йўналишлари” илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади немис ва ўзбек тилларидаги топонимларнинг лингвокогнитив ўзига хосликларини ҳамда структур, семантик ва этимологик хусусиятларининг билим тузилмалари турли типларини воқелантиришдаги концептуал аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

немис ва ўзбек тиллари топонимларининг структур ва лексик-семантик ўзига хосликларини қиёсий таҳлил қилиш ҳамда уларни акс эттирувчи birlikлар лингвистик birlikлар эканлигини аниқлаш ва этимологиясини очиб бериш;

немис ва ўзбек тиллари топонимик birlikларни анъанавий методлар ёрдамида таҳлил қилиб, топонимларнинг ўзлаштирилиш соҳасидаги имкониятларини ўрганиш орқали ўзаро муносабатларини асослаш;

немис ва ўзбек тиллари топонимик системасидаги этимологик қатламларнинг хусусиятларини кўриб чиқиш ва бу тиллар бошқа-бошқа тил оиласига кирганлигини ҳисобга олган ҳолда қиёсий очиб бериш;

топонимларнинг бадий матнда фаоллашадиган когнитив-концептуал ва маданий моҳиятини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объектини немис ва ўзбек тилларидаги луғатлар ва турли материалларда ҳамда оғзаки ва ёзма адабиёт намуналарида учровчи географик номлар (топонимлар) ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида немис ва ўзбек тиллари тизимида ва бадий матнда топонимларининг структур-семантик, лингвокогнитив, ва лингвомаданий хусусиятлари танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида топонимларнинг мазмун моҳиятини ойдинлаштиришда фанлараро ёндашувдан фойдаланилган ҳолда, анъанавий методлар билан бир қаторда янги таҳлил методларини ҳам ўз ичига олган, хусусан, идентификация методи, тавсифий метод, структур таҳлил, этимологик таҳлил, қиёсий-чоғиштира, контекстуал таҳлил, кросс-маданий таҳлил, концептуал усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

топонимларнинг номинатив жараёнда рол ўйнайдиган диний-мифологик, ижтимоий-маданий, тарихий ва географик маълумотлари ҳар икки тил

языков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук: – Кемерово, 2010. – 24 с. Сизова Е. А. Лингвокультурологический анализ урбанонимов: На материале английского, русского и французского языков. Дисс... канд. фил. наук. – Пятигорск, 2004. – 199 с.

мисолида қиёсланиб, немис тилида диний-мифологик, ўзбек тилида тарихий ва ижтимоий маданий унсурлар асосий ўрин тутиши далилланган;

қиёсланаётган тиллардаги топонимларни концептуаллаштириш ва категориялаш методлари асосида уларнинг лисоний тузилиши, этимологияси, дифференциал белгилари аниқланган ва икки тилга мансуб топонимларнинг аффиксация, композиция ва семантик ясалиш усуллари ёрдамида шаклланиши очиб берилган;

немис ва ўзбек тиллари этимологик қатламлари қиёсида топонимларнинг ўзаро кўчиш жараёни рус тили воситачи тил бўлиши ҳисобига амалга ошиши асослаб берилган;

немис ва ўзбек тиллари топонимларининг когнитив ва культурологик маълумотни сақловчи, ташувчи ва узатувчи каби семантик ташкил этувчиларининг матнда фаоллашуви лингвокогнитив аспектда аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

топонимлар лингвокогнитив аспектининг қиёсий тадқиқи ҳамда тадқиқот натижасида аниқланган немис ва ўзбек тиллари топонимларининг универсал ва дифференциал белгилари немис ва ўзбек лингвомаданияти намоёндаларининг атрофдаги оламни қабул қилиш ва категориялашнинг ментал механизмларини тушунишга эришилган;

топонимларнинг когнитив ва маданий аҳамиятли ахборот мажмуаси сифатидаги талқини унинг ботиний семантикасини юзага чиқаришга асосланган;

амалга оширилган тадқиқот натижалари нафақат тилшунослик фани учун, балки диншунослик, этнография, география ва маданиятшунослик фанлари учун ҳам аҳамиятли эканлиги аниқланган;

ишнинг натижалари қиёсий тилшунослик ва топонимика (структур, лексик-семантик, этимологик ўзига хосликлар), тил назарияси (тил ва маданият, тил ва тафаккур муносабатлари масаласи), когнитив тилшунослик ва лингвомаданиятшуносликни (концептлар назарияси, тил бирликларини категориялаш ва концептуаллаштириш муаммолари, миллий-маданий ўзига хослик муаммолари) ривожлантириш асослари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг систем-структур, таснифлаш, тавсифлаш каби усуллар билан асослангани тадқиқотда замонавий тилшуносликда фойдаланиладиган метод ва ёндашувларнинг қўлланганлиги, тилшуносликдаги тадқиқотлар назарий тамойилларининг танқидий кўриб чиқилиши, замонавий тилшуносликнинг асосий илмий-назарий ҳолатлар ва хулосалар, немис ва ўзбек тилларидаги таҳлилга тортилган фактологик материалнинг катта ҳажми, тадқиқ материалининг ишончли манбалардан олинганлиги, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, хулосаларнинг қатъийлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги назарий хулосалар ҳозирги кунда немис ва ўзбек тилларида долзарб бўлиб турган топонимик бирликларни

ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган бирликларнинг тил лексикаси системасидаги ўрнини кўрсатиб бериш юзасидан мавжуд маълумотларни кенгайтириш, тўлдириш, уларнинг татбиқи орқали янги лингвистик йўналишлар нуқтаи назаридан қиёсий тилшунослик ва топонимиканинг ривожига ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таълим жараёнидаги умумий тилшунослик, когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик фанлари бўйича ўқув материалларида, ушбу фанларнинг маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда, диссертацион тадқиқотлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини ёзишда, шунингдек, турли луғатларни тузишда фойдаланилиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Немис ва ўзбек тиллари топонимларининг лингвокогнитив, лексик-семантик ва лингвомаданий ўзига хослигини тадқиқ қилиш жараёнида қўлга киритилган назарий хулосалар ва илмий натижалар асосида:

топонимларнинг когнитив моҳияти, немис ва ўзбек топонимларининг билим тузилмалари ва когнитив жараёнларининг акс этишига доир хулосаларидан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган ИТД-1, А-1-209 “Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар луғатини тузиш” номли амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 89-03/5120-сон маълумотномаси). Натижада когнитив тилшунослик ҳамда лингвомаданиятшунослик бўйича ўқув қўлланмалар мазмуни бойитилишига эришилган;

немис ва ўзбек тилларидаги топонимларнинг лексик-семантик таҳлили ва ушбу гуруҳлар таркибидаги немис ва ўзбек топонимларида аниқланган ўхшашликлар ва фарқлар ҳақидаги хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида амалга оширилган Европа Иттифоқининг Эразмус+ дастурининг 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS + SBHE IMEP: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва ҳалқаролаштириш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 89-03/5120-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳанинг маҳаллий олий таълим тизимига татбиқ қилиниши ва маҳаллий топонимик бирликларга оид топоним гуруҳлари таснифланиши халқаро стандартларга мувофиқлаштирилган;

топонимлар тадқиқига когнитив ёндашув уларнинг диний-мифологик, маданий, ижтимоий-маданий, географик-табiiй, тарихий билим тузилмаларини акс этиш механизмига доир хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган И-204-4-5 "Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш" номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 89-03/5120-сон маълумотномаси). Натижада, чет тилини ўргатишда ёзма матнни мувофиқлаштириш ва идрок қилиш алгоритмини яратиш имконияти ҳосил қилинган;

немис ва ўзбек тилидаги топонимларнинг этимологик таҳлилини ўтказиш давомида турли топонимик қатламлари ва географик номларнинг турларидаги тафовут ва ўхшашликлар ҳақидаги хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида Европа Иттифоқининг Эрасмус+ дастури 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP CLASS: “Computational Linguistics at Central Asian universities” грант лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 89-03/5120-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида миллий корпусни яратиш ва табиий тилга ишлов берувчи дастур (NLP tool)ни ишлаб чиқишда атоқли отлар ва топонимларни маълумотлар базасига киритиш унумдорлигига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 4 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 5 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 141 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш. Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Тадқиқотнинг назарий асослари” когнитив тилшуносликнинг асосий ҳолатлари ва тамойиллари, топоним тушунчаси ва унинг турларини таснифлашга доир турли ёндашувлар, замонавий лингвистик йўналишлари нуқтаи назаридан топонимларнинг когнитив ва маданий бирлик сифатида талқин этилиши масалаларига бағишланган.

Бугунги кун тилшунослик илмий тадқиқотлари бир қатор фанлар кесишувида динамик тарзда, самарали ривожланиб бормоқда. Мазкур ҳолат тил бирликларини тадқиқ қилишга доир фанлараро ёндашувнинг долзарблиги

ва тилда акс этувчи инсон омилини тадқиқ қилишга урғу берувчи антропоцентрик парадигманинг ривожланиши билан изоҳланади. Замонавий лингвистик йўналишлари, хусусан, когнитив тилшунослик ва лингвокультурология нуқтаи назаридан, тил “ахборотни кодлаш ва трансформациялашда муҳим роль ўйнайдиган когнитив механизм”,⁷ маданиятнинг таркибий қисми, жамоавий тажрибани сақловчи муҳим омбор, маданий ахборотни узатувчи восита⁸ сифатида талқин этилади, бошқача қилиб айтганда, иккала фан ҳам инсоннинг билиш фаолиятини лисоний яъни вербал белгиланган шаклда кодланган тилда акс этишини ҳамда тил, маданият ва онг ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга йўналтирилган.

Тадқиқотда когнитив тилшунослик ва лингвокультурологиянинг асосий ва муҳим бўлган концептуаллаштириш, категориялаш, билим тузилмалари, концепт, фрейм, лингвокультурема, оламнинг концептуал, лисоний, миллий манзараси каби тушунчалар ёритилган. Ушбу тушунчалар топоним билим тузилмаларни акс этувчи концептуал бирлик ҳамда маълум бир лингвомаданиятнинг миллий олам манзарасини акс этувчи маданий белгиланган бирлик сифатида талқин этувчи тадқиқотимиз асосига солинган.

Атоқли отлар ҳақидаги фан – ономастика фанлараро ва антропоцентрик характерга эга бўлган лингвистик йўналишдир. Ономастиканинг асосий ўрганиш объекти атоқли отлардир (АО). Маълумки, тилшуносликда отлар предметлар номини билдиришга кўра икки гуруҳга ажратилади: бир турдаги предметларни умумлаштирувчи турдош отлар (ТО) ва алоҳида предметларни бошқалар қаторидан ажратувчи, индивидуаллаштирувчи атоқли отлар. Атоқли отлар бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга: АОлар ТОларга нисбатан иккиламчи характерга эгаллиги, бир маънолилиқ, яккалик, предметга мансублиқ, аниқлик, таржима қилинмаслик билан характерланади.

Топонимлар, яъни географик номлар, уларнинг ўзларига хос хусусиятлари, пайдо бўлиш тарихи, этимологияси, лисоний таҳлили масалалари билан тилшунослик, яъни лингвистика фанининг алоҳида соҳаси - топонимика фани шуғулланади. Топонимлар (гр. *topos* - «жой» ва *онома* - «исм», «ном» сўзларидан) инсон ҳаётида, кундалиқ турмушида муҳим аҳамиятга эга⁹.

Топонимларнинг ономастик бирликлар орасида кенг тарқалгани боис, топонимика ономастиканинг алоҳида йўналиши сифатида ривожланиш имконини берган.

Бизнинг тадқиқотимизда, топоним деганда «Ернинг бўш ёки сувли ҳудудларида инсон томонидан сунъий яратилган ёки табиий объектларнинг

⁷ Краткий словарь когнитивных терминов// Е. С. Кубрякова, В. З. Демьянков, Ю. Г. Панкрац, Л. Г. Лузина Под общ. ред. Е. С. Кубряковой, – М.: Филологический факультет МГУ им. М.В. Ломоносова, 1996. – С. 53

⁸ Алефиренко Н.Ф. Современные проблемы о языке. –М.: Флинта: Наука, 2005. – 416 с.; Воробьев В. В. Лингвокультурология. (теория и методы) – М.: Академия, 2008. – 331с.; Маслова В. А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2007. – 208 с.; Степанов Ю. С. Константы: Словарь русской культуры. – 3-е изд. испр. и доп. – М.: Академический Проект, 2004. – 992 с.

⁹ Н.Б.Бегалиев, А.М.Туробов, Самарқанд топонимияси. –Самарқанд, СамДЧТИ нашри, 2015й.-156 бет.

тарихий, ижтимоий ва маданий шартланган географик номлари»¹⁰ тушунилади. Олимлар топонимларнинг номинатив, кўрсаткич (дейктик), эмоционал, адреслик, тавсифий, идеологик ва мўлжал олиш¹¹ каби функцияларини ажратадилар, аммо асосий функцияси сифатида идентификациялаш функциясини қайд этадилар, чунки ҳар қандай топоним муайян географик объектни идентификациялайди.

Когнитив тилшунослик ҳамда лингвокультурологияда қўлга киритилган муваффақиятлар атоқли отлар, хусусан топонимлар тадқиқ қилинишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Анъанавий муаммолар янги нуқтаи назардан қайта кўриб чиқилиб, янги тушунчалар киритилиб, мавжудлари янгидан тушунилмоқда. Қатор олимлар, атоқли отлар семантикасида нолисоний ахборот ўз аксини топади, зеро А.Суперанская таъкидлаганидек, топонимларнинг ономастик маконда тақсимланганлиги уларга маълум бир миллат вакили ва маданий ахборотни сақловчи тил бирлиги сифатида талқин этилишига имкон беради¹².

Топонимларнинг когнитив аҳамияти шундаки, улар ахборотни сақлаш, жўнатиш ва қайта ишлаш воситасидир. Зеро, топонимларда инсон тажрибасининг муайян парчаси ва унинг тушунилиши акс этади. Шундан келиб чиқиб, муносабат билан М. Горбаневский талқини билан айтганда, топоним “бир нечта информатив блоклардан таркиб топган, турли нутқий вазиятларда турлича ва турли ҳажмда долзарблашувчи ўзига хос йиғиқ матн”дир¹³. Ҳар бир топоним ҳам лисоний, ҳам нолисоний ахборот таъсири остида шаклланади ва ўзида маълум бир лингвомаданиятга хос тарихий ва ижтимоий ҳодисалар, маданий, табиий ва физик-географик факторлар, диний-мифологик қарашлари билан боғлиқ бўлган ахборотни акс этади. Зеро, ҳар қандай топоним ўзи мавжуд бўлган замон, муҳит ҳақида маълумот бера олади, чунончи, топонимлар жамиятдаги ўзгаришларга таъсирчан бўлиб, ўтмиш ва бугунги кун инъикоси сифатида тарихий изоҳга эга.

Лингвокультурология ва оламнинг миллий манзараси назарияси нуқтаи назаридан топоним ўзига хос лингвокультуремани, яъни “шакл ва мазмун (лисоний маъно ва маданий фон, ореол)ни бирлаштириб турувчи даражалараро бирлик бўлиб, лисоний ва нолисоний мазмуннинг диалектик яхлитлигини ўзида намоён этади”¹⁴. Лингвокультуреманинг муҳим ташкил этувчиси унда мавжуд бўлган, у ёки бу тил соҳибининг миллий маданияти, ўзига хос дунёқарашини ўз ичига олган маданий ахборотдир.

¹⁰ Давлеткулова Л.Н. Топонимы в лингвокультурологическом аспекте (на материале географических названий графства Оксфордшир и Челябинской области). Диссер. канд. филол. наук. – Челябинск, 2014. – 220 с.

¹¹ Суперанская, А. В. Общая теория имени собственного. – Изд. 2-е, испр. – М.: Издательство ЛКИ, 2007. – 368 с.; Беленькая В. Д. Очерки англоязычной топонимики. – М.: Высшая школа, 1977. – 226 с.; Никонов В.А. Введение в топонимику. – М.: Наука, 1965; Березович Е.Л. Русская топонимия в этнолингвистическом аспекте. Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Екатеринбург, 1999. – 39 с.

¹² Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – М.: Наука, 1973. – 366 с.; Суперанская, А.В. Что такое топонимика? – М.: Наука, 1985. – С.15

¹³ Горбаневский М. В. Русская городская топонимия: Методы историко - культурного изучения и создания компьютерных словарей. – М.: Принт, 1996. – С. 6-7.

¹⁴ Воробьев В. В. Лингвокультурология. (теория и методы) – М.: Академия, 2008. – С.34; - С.45

Топонимларни тадқиқ қилишга доир лингвокультурологик ёндашув уларнинг мазкур халқ маданий семантикаси, маданий коди билан ўзаро таъсир механизмларини тадқиқ қилиш ва тавсифлашдан иборат. Топонимлар муайян лингвокультурологик жамиятнинг стереотипларини очиб беришга ёрдам беради, чунончи шаффоф этимологияга эга бўлган исталган географик ном нафақат этноснинг ҳудудий, табиий-географик, тарихий ўзига хослигини, балки унинг психик хусусиятларини, тафаккури ва бошқаларни ҳам акс эттиради. Яъни, В.Никонов таъкидлаганидек, “топонимлар тил ва маданият соҳиблари фонли билимларининг ажралмас қисми ва уларда халқ тарихи, мазкур ҳудудга жойлашиши ва уни ўзлаштириши кўзгудагидек акс этади”¹⁵.

Когнитив ва лингвокультурологик ёндашувлар нуктаи назаридан топонимлар семантикасида нолисоний (экстралингвистик, энциклопедик) ахборот кўпроқ аҳамиятга эга. У ўзида объект ҳақидаги тарихий, маданий, этнографик, географик, социомаданий ахборотлардан иборат бўлган билимлар мажмуасини ифодалайди.

Иккинчи боб “**Немис ва ўзбек тили топонимларининг структуравий, семантик ва этимологик хусусиятлари**” деб номланади. Ушбу бобда структур-семантик нуктаи назаридан топонимларнинг универсал ва дифференциал хусусиятлари аниқланган ҳамда немис ва ўзбек тилларидаги топонимларнинг структуравий, семантик ва этимологик хусусиятлари тадқиқ этилган.

Немис ва ўзбек топонимларининг структуравий хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида биз немис ва ўзбек тилларидаги топонимлар структураси умумий ва фарқли жиҳатларга эга эканлигини аниқладик. Масалан, иккала тилда ҳам содда, яъни бир сўздан иборат топонимлар мавжуд: нем.: *Halle, Leipzig, Alster, Rhein*; узб.: *Бухоро, Қарши, Баҳор, Бўстон, Лангар, Барлос, Бахт*. Шуни таъкидлаш жоизки, немис тилида содда топонимлар фақат бир сўздан иборат номларни ўз ичига олади (*Elze, Main, Dresden*). Уларнинг структурасида махсус бир сўз яшаш воситаси, яъни топонегиз, топоформант, махсус ономастик суффикс ёки топонимик индикатор қўлланилмайди.

Немис тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида содда қўшимчасиз топонимлар билан бир қаторда содда қўшимчали топонимлар, яъни аффиксация усулида ясалган топонимлар ҳам мавжуд (ушбу аффикслар махсус топонимик эмас). Масалан, ўзбек тилида содда қўшимчалар, куйидагиларни ўз ичига олади: *-гоҳ* (*Сайилгоҳ*), *-зор* (*Чилонзор*), *-дор* (*Зарбдор*), *-чи* (*Қазичи*); *-ли*: (*Ўрикли*), *-лик* (*Ёшлик*) *-ча*: (*Кўкча*), *-лоқ*: (*Тошлоқ*), *-лар* (*Куллар*), *-жи*: (*Иламжи*), *-доқ*: (*Чувилдоқ*). Содда қўшимчали топонимларга форс-тожик тилларидан кириб келган аффикслар ёрдамида ясалган топонимлар ҳам киради: *-он*, *ён*, *-хо*, *-гон*: *Калион, Гилон, Арабон*. Ўзбек тилидан фарқли равишда немис тилида махсус ономастик

¹⁵ Никонов В. А. Введение в топонимику. - М. : Наука, 1965.- С.4; Томахин Г.В. Топонимы как реалии языка и культуры // Вопросы языкознания, 1984. №4. – С.84

кўшимчалар, яъни топонимик суффикслар мавжуд. Булар орасида: *-a, -ach, -en, -ien, -in -itz, -ow -au* (*Eicha, Steinach, Thuringen, Bornitz, Buchow, Döhlau*).

Кўшма топонимлар немис тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам кенг тарқалган лингвистик ҳодисадир. Кўшма топонимлар икки ёки ундан ортиқ негизлардан ташкил топган мураккаб сўз бўлиб, улар лексик ва грамматик жиҳатдан бир хил вазифани бажаради. Немис ва ўзбек тилларида бир хил мотивация ва маънога эга топоформантлар мавжудлигини кўриш мумкин: **нем.:** *-berg, -burg, -stadt, -see, -felsen, brunnen -wasser*; **-ўзб.:** *-тоғ, -қала, - шаҳар, - кўл, -чашма, -сув*. Масалан, *Bamberg, Magdeburg, Altstadt, Bodensee, Rabenfelsen*; *Қоратоғ, Тўдакўл, Сарчашма* ва бошқалар. Мазкур ҳолат объектларнинг географик жойлашув хусусиятлари ва ижтимоий аҳамияти билан боғлиқ. Масалан: *тоғ* компонентли топоним объектнинг географик жойлашувидан дарак беради, *шаҳар* компонентли топонимларда эса бу географик объектнинг майдони, ижтимоий аҳамияти инобатга олинади.

Бизнинг таҳлилимиз шуни кўрсатадики, иккала тилда ҳам мураккаб топонимлар кўйидаги моделлар бўйича ясалиши мумкин: “от + от”: **нем.:** *Heidelberg, Wolfsburg*; **ўзб.:** *Кетмонтепа, Мойбулоқ*; “сифат + от”: **нем.:** *Schönwalde, Altenberg*; **узб.:** *Қизилтепа, Аччиқкўл*; “сон + от”: **нем.:** *Zweibrücken, Dreieich*; **узб.:** *Мингбулоқ, Учтепа*.

Таҳлилимиз натижасида, биз ўзбек тилида немис тилидан фарқли равишда кўйидаги моделлар мавжудлигини аниқладик: “от + феъл”: *Тошкесган, Тангатопди, Қовункесди*; сифат + от: *Оқмачит, Янгийўл, Шўрқудуқ*; сифатдош + от: *Оқмабулоқ*; феъл + феъл: *Қайнақувди*; от + феъл: *Отчопар, Чўлқувар, Жаркўчган*;

Бундан ташқари, ўзбек тилида форс изофаси асосида ясалган топонимлар ҳам мавжуд: *Шаҳрисабз, Боғишамол, Боғибаланд, Обичашма*. Баъзи топонимлар изофаннинг йўқолиши ҳисобига барқарор номлар шаклига эга бўлиши мумкин: *Сари чашма//Сарчашма, Оби канда// Обканда, Сари тепа//Сартепа*.

Таркибий топонимлар – охириги компонент сифатида қўлланувчи объектни номиналлаштирувчи терминларнинг, 3-шахс аффикси билан бирга қўлланилган топонимлар: *Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти*. Немис тили топонимларида эса кўпинча предлоглар қўлланилади: *an, auf, bei, in, vor* (*Hohenberg an der Eger, Kirchheim bei München*).

Немис ва ўзбек тиллари топонимларининг лексик-семантик таҳлили топонимлар қобиғида номинатив жараёнларнинг ўзига хослигини акс эттирувчи мотивацион белгилар белгиланган географик объект хусусиятларининг қамрови анча кенг бўлиб, уларнинг ҳаммаси характерли белгиларини етказади: объект тури, уларнинг жойлашуви, улар томонидан уйғотиладиган таассурот, улар билан боғлиқ воқеалар, уларнинг асосий ишлатилиш вазифаси, бир объектнинг бошқа объектга муносабати, мазкур ҳудуд билан у ёки бу даражада боғлиқ шахсларнинг исмлари, объектнинг маданий ёки идеологик вазифасидир.

Мазкур ишда немис ва ўзбек тилларида учрайдиган топонимлар 13та лексик-семантик гуруҳга ажратилди: 1) гидротопонимлар; 2) ландшафт ва рельеф хусусиятини белгиловчи топонимлар; 3) фитоморф компонентли топонимлар; 4) зооморф компонентли топонимлар; 5) эрготопонимлар; 6) прагматопонимлар; 7) диний-маркерланган топонимлар; 8) антропотопонимлар; 9) этнотопонимлар; 10) қишлоқ хўжалигини белгиловчи компонентли топонимлар; 11) ранг компонентли топонимлар; 12) сон компонентли топонимлар; 13) ҳарбий ишни белгиловчи компонентли топонимлар.

Ҳар бир лексик-семантик гуруҳ у ёки бу компонентни фаоллаштирадиган тил бирликлари билан ифодаланади. Масалан, гидротопонимлар семантикасида сув тушунчаси билан боғлиқ бўлган тил бирликлари қўлланади: нем.: *-bach, -bek(en), beck, beke* (булоқ): *Erbach, Eisbach*; *-ar, -ach, -a, -aa, -ah* (сув омбори): *Sachsa; Elma*; *-bruck* (кўприк): *Zweinbriicken, Delbriicke*; *-born, -bronn* (сой) *Herborn, Konigsbrunn*; *-furt, -furth, -ford* (порт): *Frankfurt, Ouerfurt*; *-mar, -mari, -mare, -mere* (денгиз): *Weimar*; *-mund, -münde, -müde(n), -muid(e)* (дарё ўзани): *Warnemunde, Dortmund*; ўзб.: *булоқ – Мингбулоқ, Ойбулоқ; кўл – Тўрткўл, Бозоркўл; сув – Оқсув, Шўрсув; дарё – Қашқадарё, Оқдарё; сой – Чуқурсой, Қипчоқсой; ариқ – Қизилариқ, Бешариқ; канал- Каналбўйи; қудуқ–Туяқудуқ, Етимқудуқ; чашма – Сарчашма, Обичашма; об – Лабиоб; ҳовуз – Ҳовузбўйи, Ҳовузбоғ.*

Немис ва ўзбек тилларида мавжуд бўлган топонимларнинг лисоний қатламлари таҳлили, уларнинг Ўзбекистон ва Германиянинг турли тарихий даврларини акс эттирувчи бир неча маданий қатламлари асосида шаклланганлигини кўрсатди.

Аксарият олимлар немис топонимлари кельт (франклар, иллирияликлар, аллеманлар), лотин, славян ва албатта немис тилларига бориб тақалади деб таъкидлайди. Кўплаб ҳозирги кунда сақланиб қолган ва қўлланилаётган кельт топонимлари товуш шаклини ўзгартирган, масалан, *Rhein, Regensburg*. Кельтча муайян ҳудуднинг ўз соҳибига тегишлилигини англатувчи *-acum, -iacum* ибтидосига эга топонимлар, замонавий немис тилида *-ach (-ich)* ибтидоларига ўзгарган: *Andernach (Antunnacum), Julich (Juliacum)*.

Лотин лисоний қатламига мансуб топонимлар кўпинча ҳарбий терминлар билан боғлиқ. Масалан, *Kassel* шаҳрининг номи лотинча *castellum* (қалъа), *Kölne* шаҳрининг номи эса *colonia* (колония) сўзларидан келиб чиққан. Лотинча келиб чиқишга эга топонимларнинг бир қатори римлик императорлар ва саркардарлар номига қўйилган географик объектларда ўз ифодасини топади, масалан *Konstanz* шаҳри императори Константин шарафига шундай номланган.

Славян лисоний қатламига мансуб топонимлар кўпинча *-ica, -nica, -itz, -en, -ow, -ici, -ovici* каби қўшимчаларга эга, масалан, *Sebnitz, Chemnitz, Demmin, Glauchau*.

Асл немис лисоний қатламга мансуб топонимлар кўпинча қуйидаги кўшимчаларга эга: -heim, -ingen, -ing, -ach, -aha, -bach, -berg, -burg, -born, -brun, -brücke, -brugge, -dorf, -druf, -dorp, -trop, -trup, -eck, -egg, -furt, -fort, -heim, -hem, -em ҳам –dorf, -holz, -holt, -hausen, -husen, -leben, -leve, -kirchen, -kerken, -rode, -rade, -reuth, -stadt, -stetu (*Darmstadt, Eisbach, Mannheim, Magdeburg, Merseburg, Frankfurt, Ouerfurt, Aschheim, Steinkirchen*)¹⁶.

Ўзбекистон топонимиясининг ўзига хос жиҳатларидан бири у топонимик оқимлар кесишмасида жойлашган бўлиб, турли хронологик поғонадаги номлар муайян кетма-кетликда кириб келган: форсча, туркча, арабча, суғдча.

Олимларнинг таъкидлашича, суғд топонимикаси қуйидаги компонентлари билан ажралиб туради: *кент, кат, пада, сэра, асп, вара*, шунингдек *гар, гов, гур, дарв, дор, зой, итк, кат, каш, кул, қўтан, марг, нов, нау, ровут, раут, сар, санг, санк, санка, так, чор, чуг, диз, дизак* кўшимчалари ҳам қўлланилиши мумкин¹⁷. Улардан бугунги кунда бир нечта асосий компонентлар сақланиб қолган бўлиб, улар топонимнинг суғдий этимологиясидан далолат беради, масалан, *Далварзин, Варданза, Варахша, Вардана, Кат*.

Топонимларда акс этган қадимги туркий сўзларнинг катта қисми туркий тилларда ўзларининг дастлабки маъносини сақлаб қолган. Масалан: *булоқ* – “ирмоқ, сув ҳавзаси” *Мингбулоқ, Фотимабулоқ, Ўрбулоқ, Жайдабулоқ, Қашқабулоқ, Қайнарбулоқ* булоқлари номларида сақланиб қолган.

Ўзбекистон топонимларининг катта қисми ички шакл сифатида халқларнинг номларига ишора қилади. Уларнинг кўпчилиги ўзбек қабилалари этнонимлари билан, бошқалари эса туркий қабилалар номлари ёки лақаблари билан боғлиқ: *Кўнғирот, Манғит, Дўрмон, Барлос, Чигатой*.

Ўзбекистондаги асосий топонимик қатламни туркий тил қатлами ташкил этади. Туркий топонимлар мавжуд қатламлар орасидан нисбатан қадимги бўлиб, ўзлаштирилиши ва қўлланилишидаги фаоллик ҳамда ўзининг дастлабки маъносини сақлаб қолганлиги билан ажралиб туради, масалан: *булоқ: Мингбулоқ, Қашқабулоқ; тена: Тўйтена, Қизилтена, Амиртена; тоғ: Боботоғ, Чинортоғ; овул: Қозоқовул, Қирғизовул; қишлоқ – Шўрқишлоқ, Гулқишлоқ; кўрғон: Каттақўрғон, Кўрғонтена ва бошқалар*. Ушбу топонимларнинг катта қисми ички шакл сифатида халқларнинг номларига ишора қилади. Уларнинг кўпчилиги ўзбек қабилалари этнонимлари билан, бошқалари эса туркий қабилалар номлари ёки лақаблари билан боғлиқ: *Кўнғирот, Манғит, Дўрмон, Барлос, Чигатой, Жалойир* ва бошқалар.

Шундай қилиб, туркий тили топонимлар асосан табиий ландшафт номлари, шу жумладан, географик объектларнинг алоҳида хусусиятларини ўз ичига олади. Шу муносабат билан табиий объектларни белгилаш учун географик терминларнинг юқори самарадорлиги ва турли-туманлиги қайд

¹⁶ Передреева Т.В. Лингвокультурологический потенциал немецких топонимов. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук: –Уфа. 2018. – 21 с.;

¹⁷ Найимов С. Н. Ойконимы Бухарской области. Дис. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 1984. - 240 с.

қилинади. Туркий топонимларнинг яна бир фарқли жиҳати шуки, улар орасида этнонимлар асосида юзага келган топонимлар кўпчиликини ташкил этади.

Кўплаб эрон-тожик топонимларининг ўзига хос жиҳати қуйидаги сўз ясовчи аффиксларда акс этади: *-он, ён, -хо, -гон, -а, -зор, -истон, -дон, -ак, -вор, -ча, -гар* ва ҳоказо. Шунингдек, мазкур топонимларга тожикча изофа ёрдамида ясашиш хос бўлиб, бунда аниқловчи вазифасида от ёки сифат туркумига оид сўзлар қатнашиши мумкин. Бундай топонимлар таркибида аниқланмиш сифатида кўплаб маҳаллий географик терминлар ёки апеллятивлар қатнашиши мумкин: *боғ (Боғи баланд, Боғи шамол); об* – сув (*Оби равон, Оби чашма, Оби калон, Оби гарм*) ва ҳоказо.

Араб ўзлашмаларининг Ўзбекистон топонимикасига ўз хиссасини кўшган. Арабий келиб чиқишга эга бўлган топонимлар асосан этник гуруҳлар томонидан этноним асосида яратилган этнотопонимлардан иборат. Қабилалар тарқалишининг географиясини мунтазам такрорланувчи *араб, работ, хўжа* сингари компонентларни қайд этиш мумкин. Ушбу компонентлар араблар билан боғлиқ этнотопонимларни шакллантиради. Масалан, араб этноси билан боғлиқ бир қатор қишлоқлар мавжуд бўлиб, улар *Араб, Араба, Арабдод, Арабон, Арабқишлоқ, Араблар, Арабча, Арабхона* сингари номларда юритилади.

Германия ва Ўзбекистон худудидаги давомли босқинлар натижасида топонимик қатламлар қаватланган, турли тиллар элементларидан тузилган, немис ва ўзбек тилларининг меъёрларига мувофиқ ассимиляцияланувчи ва мослашувчи номлар пайдо бўлган. Ўзбекистон топонимик қатламлари орасида туркий қатлам нисбатан қадимий ва кенг тарқалган. Шунингдек, Ўзбекистон топонимиясининг вужудга келишига сўғд, эрон-тожик қатламлари ҳам сезиларли таъсир кўрсатган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Топонимларнинг лингвокогнитив хусусиятлари**” деб номланган. Ушбу боб топонимларнинг диний-мифологик, ижтимоий-маданий, табиий-географик ва тарихий характерга эга билим тузилмаларни акс этишидаги роли ва топонимларнинг бадиий матндаги концептуал аҳамиятини тадқиқ этишга бағишланган.

“Билим тузилмалари” тушунчаси когнитив тилшуносликнинг асосий ва энг муҳим тушунчаларидан бири. Билим тузилмалари – динамик функционал маҳсулот – “олам образини” шакллантирувчи вербал ва новербал тажрибанинг маҳсули, тажриба ва тушунишга эга бўлиш, ва шу асосда объектив ва субъектив нуқтаи назардан тўғри ҳукмлар ва хулосалар чиқариш”¹⁸. Олимларнинг кўпчилиги қуйидаги билим турларини ажратадилар: 1) лисоний билимлар: грамматика, фонетика, синтаксис, сўз ясашишини билиш; 2) умумфон билимларни ўз ичига олувчи нолисоний

¹⁸ Герасимов В. И., Петров В. В. На пути к когнитивной модели языка// Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс. 1988. – Вып. XXIII. – С. 14.

билимлар: маданият, тарихий воқеалар, коммуникатив вазиятлар, ҳаракатлар, жараёнлар ҳақидаги билимлар ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Тилга нисбатан когнитив ёндашув доирасида тадқиқотчиларнинг диққат-эътибори “билимнинг турли билиш жараёнлари, жумладан, нутқий тафаккур фаолиятидаги ролига, билимларнинг инсон хотирасида қайта намоён бўлиш шаклларига ҳамда мазкур билимларни хотирада тартибга солувчи, зарур ҳолларда уларга тезкорлик билан мурожаат қила олишни таъминловчи ташкилий тамойиллар”га йўналтирилган¹⁹.

Топонимлар концептуал аҳамиятга эга тил бирликлари бўлиб диний-мифологик, ижтимоий-маданий, тарихий ва табиий-географик билим тузилмаларини ифодалайдилар.

Халқнинг диний-мифологик ҳаётини акс эттирувчи топонимлар диний эътиқод (анимистик, тотемистик, монотеистик), урф-одатлар, анъана ва маросимлар, ибодат муассаса ва иншоотлари, рухонийлар ва диний хизматчилар мавқеи, муқаддас жойлар тўғрисида когнитив ахборотни ўзида акс этади ва авлоддан авлодга узатади.

Анимистик ва тотемистик эътиқодлар, мифологик образларга нисбатан ишонч, демонология терминлари немис ва ўзбек топонимикасида чуқур илдиз қолдирган. Сув жинлари *Mime*, *Wate*, ўрмон руҳи *Schrute*, паканалар, тоғ руҳлари, одамхўрлар, “ёввойи одамлар”, алвастилар, нопок кучлар ва бошқалар: *Teufelsmoor*, *Mimmenhausen*, *Wattenberg*, *Zwirgelloch*, *Heinzelmannshöhlen*, *Schrattengasteig*, *Trubenhausen*, *Manessen*, *Жинли*, *Жинлар*, *Тумор*, *Шайтонкўл*, *Шайтонқишлоқ*, *Алвасти*, *Алвастисой*, *Бўри*, *Бўримена*, *Бўримахти*. *Mimmenhausen*, *Wattenberg*, *Zwirgelloch*, *Heinzelmannshöhlen*.

Немис тилида бир қатор теофор топонимлар мавжуд бўлиб, улар, энг аввало, герман мажусийлик худоларининг номларини ўзида акс эттиради: (Водан, Донар/Тор ва бошқалар): *Wodeneswege*, *Donnersberg*, *Phulsborn*, *Ballstedt*, *Franeker* ва бошқалар. Масалан, *Mainz* шаҳарининг номи кельтча илдизларга эга бўлган *Mogontiacum* бўлиб қадимги кельт худоси Могон шарафига шундай номланган. Германиянинг христианлашуви немис тилида агионимлардан (авлиёлар, фаришталар исми ва бошқалар) кўплаб агиотопонимлар ҳосил бўлган: *Heiliggeistmühle*, *Frauenberg*, *Marienborn*, *Annaberg*, *Allerheiligenberg*.

Немис ва ўзбек тилларида диний-мифологик билим тузилмаларни акс этувчи топонимлар қуйидагиларни ўз ичига олади: а) муқаддас жойларни белгиловчи топонимлар: *Donatuskreuz*, *Himmeltal*, *Heilbronn*, *Heiligenstadt*; *Зангиота*, *Чўпонота*, *ҳазрати Дониёр*, *Ҳазрати Башир*; б) ибодат жойлари (масжид, черков): *Holzkirchen*, *Münster*, *Kappelendorf*, *Klosterneuburg*; *Саидмуродхон масжиди*, *Султонбобо масжиди*, *Оқмачит*, *Тошмачит*; в)

¹⁹ Залевская А.А. Информационный тезаурус человека как база речемыслительной деятельности // Исследование речевого мышления в психолингвистике. – М, 1985. – С. 150-171.

маълум бир шахсга ёки руҳонийга тааллуқлилиги ёки объект асосчиси номи, ёки объектнинг хусусиятларини акс этувчи қабристон номлари: *Мозори Хўжа, Чилгазота мозори, Оқмозор*. Немис тилида муқаддас жойлар, зиёрат масканларини белгилаш лисоний маркери сифатида *Kreuz, Heilig-, Himmel*, ўзбек тилида эса *авлиё, ота, ҳазрат* лексемалари, ибодат жойларини белгиловчи лисоний маркерлар сифатида эса немис тилида *Kirchen, Münster, Kloster, Kappelen* ўзбек тилида эса *мачит, масжид* лексемалари қатнашади.

Диний маркерланган топонимларнинг мавжудлиги қуйидаги факторлар билан белгиланган: а) Ўрта Осиёда ислом ва Германияда христианлик динининг тарқалиши; б) диндорлар, авлиёлар ва маҳаллий аҳоли томонидан турли объектлар (қўрғон ва тепаликлар, тоғ ва тошлар, ўрмон ва алоҳида дарахтлар, дарёлар, сойлар ва булоқлар, авлиё зотлар ва руҳонийлар, машхур инсонларнинг қабрлари)ни муқаддас билиш ва зиёрат этиш; в) бевосита диний маросимлар ўтказиладиган, христиан ва ислом динини тарғиб қилишга мўлжалланган объект номлари; г) мажусийлик даврида мавжуд бўлган анимистик ва тотемистик эътиқодлар.

Шундай қилиб, немис ва ўзбек топонимлари жамиятнинг маълум бир даврдаги диний-мифологик ҳаёти, эътиқодлари, дин ва конфессиялар алмашинувини, христианлик ва исломнинг тарқалиши ҳақидаги маълумотларни ўзларида акс этадилар.

